



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI XALQ DEPUTATLARI TUPROQQAL’A TUMAN KENGASHI QARORI

Tuproqqal’a tuman “Yoshlik” mahallasi Komiljon Otaniyozov ko‘chasi, 1-uy

2021 - yil 29 - dekabr

VI-48-66-12-218-K/21

Tuproqqal'a tumani hokimligi

Тупроққалъа туманига бириктирилган вазирлик, идора ва тижорат банклари масъул раҳбарлари томонидан “Маҳаллабай” ўрганишлар натижасида ишлаб чиқилган чора тадбирлар дастури ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига мувофиқ Тупроққалъа туманига бириктирилган масъуллар томонидан “Маҳаллабай” ишлар ташкил қилиш бўйича ҳар бир маҳалла кесимида амалга ошириладиган ишлар тўғрисида чора тадбирлар дастури юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 23 октябрдаги 02-РА 1-16423-сон топшириғига мувофиқ Хоразм вилоятининг Тупроққалъа туманида амалга оширилган ишлар бўйича қуйидагилар маълум қилинади.

Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 12-13-декабрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириғига мувофиқ Молия вазирлиги, Узавтосаноат АЖ, Уй-жой коммунал хизмат ва Халқ банки Хоразм вилоятининг Тупроққалъа туманига бириктирилган.

Дастурга асосан, 2021 йилда маҳалла биноларини (Саяпир, Охунбобоев, Пастом, Мухаббат, Обод, Саримой, Нукус, Хазорасп МФЙлар) ташаббускор тадбиркорлар тамонидан давлат-шерикчилик асосида 500 млн. сўмдан жами 4 млрд. сўмга 8 та маҳалла биносини янгидан қуриб битказилди ва 3 та маҳалла биноларини (Ёшлик, Навбахор, Шарлаук МФЙлар) ташаббускор тадбиркорлар тамонидан давлат-шерикчилик асосида 900 млн. сўмга мукамал таъмирланиб ҳамда реконструкция қилиниб маҳаллаларга фойдаланишга топширилди

Маҳалла фуқоролар йиғинларини зарур техника ва ускуналар билан

таъминланиб 2021 йилда 18 та маҳаллада 37,3 млн. сўмлик Ўзбектелеком АК маблағлари ҳисобидан интернет тармоғига уланиш ишлари амалга оширилди.

2021 йилда “Обод” маҳалласида жами 8 та, шундан 2 та ёш оилалар учун 5 қаватли 30 хонадонли кўп квартирали арзон уй-жойлар қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Туманда ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш бўйича жорий йилда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича 9 та маҳаллада 61 км қувурлар ётқизиблиб, янгидан сув тақсимлаш иншоатлари қурилди. Натижада 2700 та хонадон ичимлик сув билан таъминланиб, ҳозирги кунда аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 82,1 фоизни ташкил қилмоқда.

Жами 48,4 км узунликдаги электр узатиш тармоқлари ва 16 та трансформатор пунктларини жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. Бажарилган янги қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлар натижасида 18 та маҳаллалардаги 56,8 минг аҳоли истеъмолчиларига етказиб берилаётган электр энергиясининг сифати янада яхшиланди.

Шунингдек, 863 та хусусий ва оилавий тадбиркорларнинг электр энергиясига бўлган талаби қондирилди.

Туманда 2021 йилда табиий газ истеъмолчилари газ таъминотини яхшилаш бўйича 8,8 км газ қузури жорий таъмирланди ва маҳаллалардаги 278 дона газ тарқатиш пунктлари жорий таъмирланди. Бугунги кунгача жами 14233 та аҳоли хонадонларидан 5593 тасига янги замонавий АСКУГ газ ҳисоблагич ўрнатилди. Натижада, туман аҳолисининг 99,3 фоизи табиий газ билан таъминланди.

2021 йилда 7,0 км давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллар, 4,5 км маҳаллий аҳамиятидаги автомобиль йўллар, ички йўллардан 27,5 км (қум шағал аралашмаси) узунликдаги жами 39,0 км йўллар таъмирланиб ҳолати яхшиланди ва 1 та кўприкни таъмирлаш ишлари бажарилди.

Булардан ташқари туманимизда ижтимоий соҳа объектларини янгидан қуриш, таъмирлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, “Саримой” маҳалласида “Саримой” оилавий шифокорлик пункти 3 млрд 207 млн сўмга янгидан қурилди. “Ёшлик” маҳалласидаги Давлат Санитария Эпидемиология осаишталик маркази 1 млрд 525 млн сўмга мукамал таъмирланди.

2021 йилда Республика бюджети маблағлари ҳисобидан “Саримой” МФЙдаги 120 ўринли 11-сонли мактабгача таълим ташкилотини 2 млрд. 470 млн. сўмга реконструкция қилинди ва “Тупроққалъа маскани” МФЙдаги 90 ўринли 15-

сонли мактабгача таълим ташкилотини 2 млрд. 260 млн. сўмга мукаммал таъмирланди, 13 та оилавий мактабгача таълим ташкилоти ташкил қилиниб, жорий йилнинг декабрь ҳолатига 15 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига давлат бюджети ҳисобидан 932,9 млн.сўм миқдорида субсидия маблағлари ажратилди, мактабгача болаларнинг қамров даражаси 24.6 фоизга ошди натижада ҳозирги кунда қамров даражаси 90.1 фоизни ташкил қилмоқда

Туманда жами 22 та умумий ўрта таълим муассасаси фаолият олиб бормоқда. Улардан 18 та умумий ўрта таълим мактаби, 3 та ихтисослаштирилган мактаб, 1 та “Баркамол авлод” болалар мактаби фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йилда 6 та умумтаълим мактаблари 2021 йил инвестиция ва “Обод қишлоқ” дастури асосида 16 млрд 742 млн сўм маблағ ҳисобига Пастом МФЙдаги 18-сонли мактаб 2 млрд. 706 млн. сўмга, Шарлаук МФЙдаги 5-сонли мактаб 1 млрд. 668 млн сўмга Муҳаббат МФЙдаги 2-сонли мактаб 6 млрд. 763 млн сўмга, Нукус МФЙдаги 16-сонли мактаб 476 млн сўмга, Саримой ҚФЙдаги 11-сонли мактаб 2 млрд. 750 млн сўмга мукаммал таъмирланди, Обод МФЙдаги 19-сонли мактаб 2 млрд. 379 млн. сўмга реконструкция қилиниб таъмирланди.

2021 йилда Муҳаббат МФЙдаги Болалар ўсмирлар спорт мактабига қарашли ўйингоҳни 3 млрд. 821 млн сўмга реконструкцияси қилинди, лекин ажратилган маблағ 1 млрд. 650 млн сўмга кам ажратилиши эвазига ўйингоҳнинг майдони суний қопламали чим қопланмасдан қолди яна қўшимча маблағ ажратиш зарур.

“Маҳаллабай” ишлаш тизими бўйича мутасадди идора ва ташкилотлар ўртасида ўзаро ва мувофиқлаштириш тизими йўлга қўйилиб, “Темир дафтар”да рўйхатда турадиган оилалар ўрганилди.

“Темир дафтар”га киритилган жами эҳтиёжманд оилалар 412 тани, оила аъзолар сони 1709 та, шундан меҳнатга лаёқатли ишсизлар 490 тани ташкил қилади.

Халқ депутатлари туман кенгаши қарори асосида эҳтиёжманд оилалар рўйхатидан чиқарилган эҳтиёжманд оилалар сони 362 тани (ёки 879 фоизни) ташкил қилади.

Бугунги кунда ижтимоий химояга мухтож 50 та оила(1-секторда 30 та, 2-секторда 9 та, 3-секторда 5 та, 4-секторда 6 та) “Темир дафтар” рўйхатда туради. Кўрсатилган ёрдам турлари бўйича тўхталиб ўтсам. 485 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, 99 та оилага субсидия асосида 290,3 млн сўмга иссиқхона қуриб берилди, 206 та оилага 159,7 млн.сўм нақд пул бюджет маблағлари ва ҳомийлар томонидан берилди, 14 та оилага 6,2 млн. сўмлик дори-дармонлар етказиб берилди, 4та оилага 9 бош қорамол, 11 та оилага 39 та қўй-эчки, 22 та оилага 250 та товук

берилди. 2020 йилда жами кўрсатилган ёрдамлар миқдори 1 млрд. 118 млн.сўмни бўлиб, жами 1 млрд 352 млн.сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, 2021 йилнинг январ-декабр ойларида “Саховат ва кўмак” жамғармасидан жами 74 та оилаларга 163,6 млн.сўмлик ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, 64 та оиллага 4,6 млн сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди, 50 та оиллага 72,1 млн.сўмлик бир марталик моддий ёрдамлар берилди, 2 та оиллага 15 млн.сўмлик дори-дармонлар, 8 та оиллага соғлиқларини тиклаш (операция) учун 71.9 млн.сўм шифохоналарга ўтказиб берилди. Ижтимоий химояга мухтож 2 та оиллага хомийлик хисобидан 105 млн.сўмлик уй жойқуриб берилди.

“Аёллар дафтари” бўйича 1-босқич ва 2-босқичда 3655 нафар ижтимоий химояга мухтож ишсиз хотин-қизлар “Аёллар дафтари”га киритилди ҳамда 1248 нафарининг доимий бандлиги таъминланди; 32 нафарига ер берилди, 56 нафарининг ўзини ўзи бандлашига эришилди, 587 нафари қайта касбга ўқитилди, 190 нафарига кредит олишида ёрдамлашилди, 14 нафарига субсидия орқали иссиқхона қуриб берилди, Боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд 287 нафар аёлларга жами 260 млн.сўмлик бир марталик моддий ёрдам берилди. Уй жойга мухтож 16 нафар аёллар турар жой билан таъминланди, 11 нафарининг уй-жойи таъмирлаб берилди шунингдек 473 нафар тиббий ва 290 нафар ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатиш, 401 нафарига психологик маслахати кўрсатилди. Туманда бугунги кунгача “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлардан 3615 нафари Халқ депутатлари туман кенгашининг тегишли қарорларига асосан “Аёллар дафтари”дан чиқарилди, ҳозирги кунда “Аёллар дафтари”да 40 нафар хотин-қизлар мавжуд.

Бугунги кунда туман аҳолисининг 12 минг 25 нафарини (ёки 22,1 фоизини) 18-30 ёшдаги ёшлар ташкил қилиб, 5 минг 161 нафари билан сўровнома ўтказилди, бугунги кун ҳолатига ушбу ёшлардан 4 минг 63 нафари “Ёшлар дафтари”га киритилган ва ўтган давр мобайнида жами ёшларнинг 3 минг 798 нафари (93,4 фоиз) дафтардан чиқарилди. Жумладан, ишсиз ёшларнинг 568 нафари доимий ишларга жойлаштирилган, 34 нафар ёшларга 1 млрд 86 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилган, 789 нафар ёшларга 157,8 гектар ер майдони ажратилди, 23 нафарига меҳнат қуроллари учун субсидия ажратилди, 560 нафари “Устоз шогирд” анъанаси бўйича хунармандларга бириктириш, 175 нафари ташқи миграциясини ташкил этиш, 157 нафари хайдовчиликка ўқитиш орқали, 124 нафарини истеъдодларини қўллаб-қувватлаш учун маблағ ажратиш орқали; 84 нафарига сафарбарлик чакирув резерви ҳаражатларини қоплаб бериш орқали; 32 нафарини тўлов-контракт суммасини тўлаб бериш орқали; 17 нафари яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини бошлаши орқали; 1235 нафари бошқа йўналишлар доирасида дафтардан чиқарилган.

Шунингдек, 298 нафар ёшлар тадбиркорлик ва бизнесга ўқитилиб, 215 нафарига сертификат берилди ва сертификат олганларнинг 34 нафарига 1.86 млрд.сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди.

“Ёшлар: 1+1” дастури орқали 559 нафар ёшлар салоҳиятли тадбиркорлар ҳамда хунармандларга бириктирилган.

Тупроққалъа туманида бугунги кунга қадар “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2787 нафар ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун 1 млрд 60 млн. 587 минг сўм маблағ сарфланди.

Туманда жорий йил 1 декабрь ҳолатига жами кичик бизнес субъектлари сони 544 тани ташкил қилиб ҳозирда 518 таси фаолият юритмоқда. (Бугунги кунда фаолиятсиз 26 таси ихтиёрий тугатиш жараёнида).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ПФ-6208-сон **Фармони**га мувофиқ 2023 йил 1 январга қадар иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб бериш тартиби жорий қилинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 июлдаги “Иш берувчиларга улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 460-сонли қарори қабул қилинган.

Ушбу қарор билан тасдиқланган низомнинг 4-бандида ижтимоий солиқ ҳисоботи ортиб борувчи якун билан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15 санасидан кечиктирмасдан топширилишини инобатга олиб, ушбу Низом 2021 йил 1 майдан 2023 йил 15 январга қадар тўланган ижтимоий солиқ суммасини Давлат бюджетидан қоплаб беришга нисбатан татбиқ этилиши ҳамда 2022 йил декабр ойи учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини қоплаб бериш учун иш берувчи томонидан ариза беришнинг охириги муддати 2023 йил 1 апрел куни этиб белгиланганлиги кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бирга, дастлабки маълумотларга асосан Тупроққала туманидаги 109 та тадбиркорлик субъектларида 824 нафар 25 ёшдан ошмаган ходимлар мавжуд бўлиб, ушбу ходимлар учун бир ойда ўртача ҳисобда 34,9 млн.сўм, июн ойидан эса

174,3 млн.сўм ҳисобланган ижтимоий солиқ суммасини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилиши ҳисоб китоб қилинди. Бугунги кунга қадар 44 та тадбиркорлик субъектларига 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган 106 млн.сўм миқдоридаги ижтимоий солиқ суммалари Давлат бюджетидан қоплаб берилди.

Ўтган 2021 йил январ-декабрь ойларида жами 143 та янги тадбиркорлик субъектлари ташкил қилинди шундан, 132 таси кичик бизнес субъектларидан иборат.

Шунингдек, вақтинча фаолият юритмаётган (27 та тадбиркорлик субъекти) юридик шахслар фаолиятини тиклаш бўйича тузилган ишчи гуруҳлар, солиқ органлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотларнинг кўмаги, тушунтириш ва тарғибот ишлари натижасида ушбу корхоналарнинг фаолиятини қайта тиклаш ишлари олиб борилмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021 йил январ-декабрь ойларида “Ҳар бир оила - тадбиркор”, “Хунармандчиликни ривожлантириш” ҳамда “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш” давлат дастурлари орқали 501 та тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга 12,3 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Шундан, 163 нафар ёшларга 4,2 млрд. сўм ҳамда 331 нафар аёлларга 5,5 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

2021 йилнинг январ-декабр ойларида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан иш билан банд бўлмаган ишсиз фуқаролардан 610 нафар фуқароларни ишга жойлаштириш режалаштирилган бўлиб 28 декабрь ҳолатига 627 нафар ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланди ва белгиланган режа 102.7 фоизга бажарилди. 2021 йил январ-декабрь ойлари давомида 979 нафар фуқаролар жамоат ишларига жалб қилинди ва уларга 627 млн. сўм миқдорида иш ҳақи ҳисобланиб тўлаб берилди. Декабрь ойида яна 74 нафар фуқароларни жамоат ишларига жалб қилиб, уларга 46.8 млн. сўм миқдорида иш ҳақи тўлаб берилди.

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан ажратилган субсидия маблағлари ҳисобидан қишлоқ жойлардаги 64 та хонадонларга 193,7 млн.сўмлик иссиқхоналар қуриб берилиши ҳисобига 64 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди.

Мазкур жамғармадан 61 нафар фуқаронинг йўналишлар бўйича тадбиркорликка ва касб-хунарга ўқитиш учун 80,7 млн.сўм субсидия ажратилди.

2021-2022 йилларда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш бўйича жами 43 та 606 млрд. сўмлик инвестиция лойиҳалари

амалга оширилиши белгилаб олинган бўлиб, ушбу лойиҳалар ишга туширилиши ҳисобига 916 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган эди.

Хозирги кунда, туман аҳолисини доимий иш ўринлари билан таъминлаш, туманда саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш мақсадида 56 та лойиҳалар доирасида 955,1 млрд.сўмлик инвестицияларнинг ўзлаштирилиши натижасида 2 минг янги иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига 793,4 млрд.сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобига 33 та лойиҳалар ишга туширилиб, 764 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Кун тартибидаги масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, Халқ депутатлари Тупроққалъа тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тупроққалъа туманида маҳаллабай тизими асосида олиб борилаётган ишлар юзасидан белгиланган дастур юзасидан Тупроққалъа тумани ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари-туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи Султанов Сардорбек Баходировичнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин..

2. Тупроққалъа тумани сектор раҳбарлари (А.Салаев, С.Ғайбиев, И.Аллаберганов, И.Султонов) ўз ҳудудида “Маҳаллабай” ишлаш тизимини назорат этиш топширилсин.

3. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосарига “Маҳаллабай” бўйича янги тизимни йўлга қўйиш мақсадида тумандаги маҳаллаларда жорий қилинадиган ҳоким ёрдамчиларининг масалаларни ҳал қилиб боришини назорат қилиш топширилсин.

4. Туман ҳокимининг ўринбосари З.Матчонова;

- Саховат маҳалласи Шижоат кучасидаги 1/5 уй, Ёшлиқ маҳалласи К.Отаниязов кучаси 1/3 кўп қаватли уйларнинг том қисмини шифер қилишни 2021 йил 31 декабргача якунлаш чораларини кўриш;

-Тегишли ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда куз-қиш мавсумида аҳоли, ижтимоий соҳа объектлари ва тадбиркорлик субъектларини газ, электр энергияси, ичимлик суви ва кўмир билан таъминлашдаги мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф қилиб, қиш мавсумини беталафот ўтказиш чораларини кўриш вазифаси топширилсин.

5. Туман ҳокимининг ўринбосари З.Рўзметовга;

-Тумандаги “Саидлар” маҳалласида 2 та оилавий мактабгача таълим ташкилотини ташкил қилиш истагини билдирган тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатган ҳолда, оилавий мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини 2021 йил 31 декабргача ишга тушириш вазифаси топширилсин.

6. Халқ депутатлари Тупроққалъа тумани Кенгаши депутатларига кун тартибидаги масала бўйича ўзлари сайланган ҳудудларда назоратни ўрнатиб, масъулиятсизликка йўл қўйган мансабдор шахслар бўйича депутатлик назорати доирасида Кенгаш раисига таклифлар киритиб борсин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда Халқ депутатлари Тупроққалъа тумани Кенгаши доимий комиссиялари раислари зиммаларига юклансин.

Туман ҳокими



А.Салаев